

**МУХАМЕДХОДЖАЕВА Санобар
Абдужалилова**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
2-курс магистранти
teachsanobar@gmail.com

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ МАЪНОСИНИ ЁРИТИШДА БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧЕНИЕ НАУКИ БАЛАГАТ В ТОЛКОВАНИИ АЯТОВ КОРАНА

THE IMPORTANCE OF HUSCIENCE OF BALOGAT IN REVEALING THE VERSUS OF KORANIC AYATS

Аннотация. Ушбу мақолада араб тилидаги балоғат илми, бу илмининг Қуръони карим оятларини тушуниш, тўғри тафсир қилиш, маъноларини очиқ беришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ёритиб берилди. Балоғат фани ҳам бир неча қисмлардан иборат бўлиб, шу қисмлардан илми бадий ва унинг таркибига кирувчи муқобала санъати, унинг аҳамияти, оятларни тушунишдаги ўрни “Ар-Раҳмон” сураси оятлари мисолида баён қилинди.

Калит сўзлар: Қуръони карим, “Ар-Раҳмон” сураси, илми бадий, лафз гўзалликлари, маъно гўзалликлари, муқобала санъати, мутобақа санъати, юқоридаги икки жаннат, қуйироқдаги икки жаннат.

Аннотация. В данной статье разъясняется наука балоғат в арабской литературе. Объясняется, что это знание важно для понимания, правильного толкования и раскрытия значений стихов Священного Корана. Исследование соответствует рассматриваемой теме. Важно отметить актуальность и уникальность написанной статьи. Так же здесь говорится, что наука балоғат состоит из нескольких частей. В этой статье автор на примере аятов суры «Ар-Рахман» раскрывается значение входящее в науку бадий муқобала искусство противостояния.

Ключевые слова: Священный Коран, сура «Ар-Рахман», знание науки, красота слов, красота смысла, искусство противостояния, искусство противостояния, уровни и ступени рая, два высоких ступеней рая, два нижних рая.

Abstract: In this article, it was explained that the science of puberty in the Arabic language is important in understanding, correctly interpreting, and revealing the meanings of the verses of the Holy Qur'an. The science of Balogat also consists of several parts, and among these parts, the science of Badi' and the art of "muqobala", its importance, and its role in understanding the verses were explained on the example of the verses of Surah "Ar-Rahman".

Key words: Holy Qur'an, Surah Ar-Rohman, knowledge of science, beauty of words, beauty of meaning, art of confrontation, two heavens above, two heavens below.

КИРИШ

Араб тили замини шаклланган балоғат илмининг вужудга келиши Қуръони карим билан боғлиқ бўлиб, бу фаннинг асосий вазифаси Қуръони карим маъноларини тўғри тушуниш ва талқин қилишда хизмат қилишидан бошланган. Бу илм Қуръон илмлари таркибига кирувчи адаб (الأدب) илмларидандир.

Қуръони каримнинг асосий мўжизаларидан бири унинг баёни, яъни жумла ва ундаги сўзлар тизими ҳисобланади. Қуръони каримнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ояти, ҳар бир сураси лафз ва маъно жиҳатидан инсониятни ожиз қолдиради. Қуръондаги лафз ва маънони ифодалашда қайси услубдан фойдаланилгани балоғат илми орқали ўрганилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Араб балоғати илми баён, маъоний ва бадий илмларини ўз ичига олади. Илми баён – турли йўллар билан битта маънони ифодалаб бериш, маъоний илми – айтилган сўзнинг вазият, ўринга айнан мос тушиши, бадий илми – айтилоқчи бўлган гапни безаш, гўзал шаклга келтириш, эшитувчига гапирилаётган гапни чиройли тарзда етказиш ва зехнида онсон қолишига хизмат қилувчи воситаларни ўргатади. Илми бадий ҳам ўз ўринида икки қисмга ажралади:

Ал-Муҳассиноту-л-лафзийя – “лафз гўзалликлари”. Бу қисмда оятдаги сўзларга хусн бўлган услублар – санъатлар ўрганилади. Ҳамда лафзий санъатлар деб ҳам юритилади.

Ал-Муҳассиноту-л-маъновийя – “маъно гўзалликлари”. Бунда оятнинг маъносига хусн бўлган санъатлар ўрганилади ва маънавий санъатлар деб ҳам номланади [11:41, 12:41].

Ушбу мақолада маъно гўзалликларнинг таркибига кирувчи муқобала санъати “Қуръоннинг келинчаги” деб сифатланган Ар-Раҳмон сураси мисолида ёритиб берилди.

Муқобала – يُقَالُ الْمُقَابَلَةُ “қилиш унга юзма-юз турди”. قَابِلُ الشَّيْءِ بِالشَّيْءِ “бир нарсани бир-бирига ўхшашлиги ёки бир-бирига зид эканлигини кўрсатиш учун рўпара қилди” маъносини англатади [8:655].

Муфассирлар Қуръондаги сўзларларни тушунишда, оятлар маъносини очиқ баён қилишда муқобаланинг ўрни катта эканлигини таъкидлаб айтганлар.

Имом Заркаший айтадилар: лафзларнинг тафсирида, маъноларни баён қилишда муқобаланинг аҳамияти улкан.

Муқобала ва мутобақа (тибоқ)нинг фарқи: уламолар муқобала ва мутобақа орасида фарқ бор ёки йўқлиги борасида ихтилоф қилишган. Баъзилар муқобала мутобақадан хосроқ десалар, баъзилар умумийроқ деганлар. Яна бошқалари иккиси бир нарсга деб айтишган. Аслида муқобала умумийроқ ҳисобланади.

Муқобала – бир-бирига зид ёки мувофиқ келган сўзларнинг жаъмланиши. У жумлалар орасида бўлади.

Мутобақа – бир-бирига зид бўлган сўзларнинг жаъмланиши бўлиб, бунда сўзлар орасида бўлади [7:228].

Муқобалада аввал икки ёки ундан ортиқ қарама-қарши бўлмаган маънолар, сўнгра уларнинг ҳар бирига мос келувчи қарши маънолар тартиб билан келтирилади [5:285, 10:199].

Ар-Раҳмон сурасида иштирок этган муқобала кўринишлари:

Кавний оятлар (борлиқдаги, табиатдаги нарсалар) орасидаги муқобала.

Анфусий (инсоннинг ўзининг яратилиши ҳақида) оятлар орасидаги муқобала.

1. Аллоҳнинг сифатлари орасидаги муқобала.

Охират ҳақидаги оятлар орасидаги муқобала.

Мақолада охират ҳақидаги оятлар орасида муқобала санъатининг қўлланиши ва унинг оятлар мазмунини тушунишдаги ўрнини

кўриб чиқилади. Сурада وَلَمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَّاتٍ “Парвардигори (ҳузурида) туришдан (сўралишдан) кўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир” (46-оят), ушбу оятдан бошлаб то охирги оятгача икки жаннат ва қуйироқдаги яна икки жаннат орасида муқобала санъати қўлланилган. Сурада такводор мўъмин бандалар учун Парвардигори ҳузурида икки жаннат тайёрлаб қўйилгани, пастроқда яна бошқа икки жаннат борлиги ҳақида айтилади.

Оятлардаги муқобалани жадвал орқали кўриб чиқамиз:

Юқоридаги икки жаннат وَلَمَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ جَنَّاتٍ “Парвардигори (ҳузурида) туришдан (сўралишдан) кўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир”. (46-оят)	Қуйироқдаги икки жаннат “وَمِنْ دُونِهِمَا جَنَّاتٍ” “Иккисидан бошқа яна икки боғ бордир”. (62-оят)
دَوَاتَا أَفْنَانٍ “(У икки жаннат боғи қалин) шох-новдаларга эгадир”. (48-оят)	مُدْهَامَاتٍ “Иккиси (серсув ва серсояликдан) тўқ яшилдирлар”. (64-оят)
فِيهِمَا عِتْنَانِ تَجْرِبَانِ “У иккисидан икки оқин чашма бордир”. (50-оят)	فِيهِمَا عِتْنَانِ نَضَّاحَتَانِ “У иккисидан (суви) тинмай отилиб турувчи икки чашма бордир”. (66-оят)
فِيهِمَا مِنْ كُلِّ فَاكِهَةٍ رُوحَانٍ “У иккисидан (жаннатнинг икки боғида) барча мевадан икки нави бордир”. (52-оят)	فِيهِمَا فَاكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُومَانٌ “У иккисидан (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир”. (68-оят)
مُتَكَبِّرِينَ عَلَى فُرُشٍ بَطَانُهَا مِنْ حُضْرٍ وَعَبْقَرِيٍّ حِسَانٍ “(Жаннат аҳли) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар узра ястанган ҳолда (ўтирурлар)”. (54-оят)	مُتَكَبِّرِينَ عَلَى رَفْرَفٍ حُضْرٍ وَعَبْقَرِيٍّ حِسَانٍ “(Жаннат аҳли) яшил ёстиклар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар)”. (76-оят)

فِيهِنَّ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ لَمْ يَطْمِئِنَّ أَنْسَ قُلُوبُهُمْ وَلَا جَانٌّ “У(жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тиювчи (хур киз)лар борки, уларга илгари на инсон ва на жинлар теккан”. (56-оят) كَانَتْهُنَّ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ “Улар(нинг баданлари тиникликда) гўёки ёкут ва маржондирлар”. (58-оят)	فِيهِنَّ خَيْرَاتُ حِسَانٍ “У (жаннат)ларда хушхулқ ва хусндор (хур киз)лар бордир”. (70-оят) حُورٌ مَّقْصُورَاتٌ فِي الْخِيَامِ “(Улар) чодирларда асралувчи хурлардир”. (72-оят)
--	--

Муқобала санъатининг оятлар мазмунини тушунишдаги аҳамияти

Бу оятларда келган аввалги икки жаннат афзалроқми ёки кейинги иккисими, бу ҳақида муфассирлар ихтилоф қилишган. Кўпчилик муфассирлар ушбу оятларда ишлатилган муқобала услубига кўра аввалги икки жаннатнинг даражаси баландроқ деб айтадилар.

:Бунда қуйидагиларни эътиборга олишган

“У иккисидан бошқа яна икки бог бордир” (62-оят) [1:531-534]. Бу оятда - куйроқ сўзининг ифодалангани; Баҳрул-муҳитда Аллоҳдан қўрқувчи пешқадамларга берилган жаннатдан пастроқ (яъни кадр ва мартаба жихатдан пастроқ бўлган) ўнг томон эгалари учун икки жаннат бор, дейилган [6:70, 14:20].

“Парвардигори (ҳузурда) туришдан (сўралишдан) қўрққан киши учун икки жаннат (боғи) бордир” (46-оят) ояти аввал зикр қилингани; бу ҳам аввалги жаннатнинг даражаси юқори эканига далолат қилади.

Сифат ва мазмунлар эътиборидан:

Дарахтлар, ҳурлар ва сўриларда ёнбошлаб-ястаниб ётувчиларнинг сифатида ҳақида: Замахшарий айтадилар: “Иккиси тўқ яшилдирлар” дейилди, دَوَاتَا أَفْنَانٍ “шоҳ-новдали” эмас; نَضَائِحَاتَانِ “тинмай отилиб турувчи икки чашма” дейилди, تَجْرِيَانِ “икки оқин чашма” эмас; فَاكِهَةٌ “мева” дейилди كُلِّ فَاكِهَةٍ “барча мевадан” эмас. Замахшарий аввалги икки жаннат билан кейинги икки жаннатни бир-бирига муқобил

кўйиб аввалгисини афзал деб билган. دَوَاتَا أَفْنَانٍ дегани шоҳлари узун, яъни сояси чўзилган – серсоя маъносида бўлади [3:1659]. دَوَاتَا أَفْنَانٍ -сермева ва соя-салкин маъносида [4:505]. Байзовий ҳам шундай тафсир қилган ва دَوَاتَا أَفْنَانٍ тафсирида тўқ яшилликдан қорайиб кетган, бу кўпинча ер юзасига ёйилган ўт-ўлан, райҳонларга нисбатан ишлатилади, деб айтадилар [10:172]. Шунга кўра дарахт ва мевалар ўт-ўлан ва райҳонлардан фарқланади.

“У иккисидан (жаннатнинг икки боғида) барча мевадан икки нави бордир” (52-оят) оятида меванинг ҳар биридан икки синфи: таниш-нотаниш; ҳўл-куруқдан бор. Бу فِيهِمَا فَاكِهَةٌ وَنَخْلٌ وَرُمَّانٌ “У иккисидан (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир” (68-оят) оятига муқобил бўлиб келган. Замахшарий فِيهِمَا فَاكِهَةٌ сўзини накра (ноаниқ ҳолатда) келиши муайян мевани ифолайди, فِيهِمَا فَاكِهَةٌ сўзи меванинг барча турини умумлаштиради ва шунга кўра афзал эканлигини ифолайди деб айтадилар. Бошқа муфассирлар бу ердаги накра ҳам умумийликнинг ифодаси учун келган бўлиб, бу оятларда бир-биридан афзаллик йўқ, унисидан йўғи бунисидан, бунисидан йўғи унисидан бор, ҳар бири ўз хусусиятига эга деб айтадилар.

“У иккисидан икки оқин чашма бордир” (50-оят). Маълумки, сувнинг оқиб туриши фаввора бўлиб отилиб туришидан кучлироқ бўлади [2:228]. Козруний айтади: “Булоқ худди қайнаб турган қозон каби отилиб туриши, аммо оқувчи бўлмаслиги ҳам мумкин. Аввалги икки жаннатдаги оқувчи икки булоқ куч билан оқиб икки жаннатнинг кенг масофаларига оқиб боради. Кейинги икки жаннатдаги икки булоқ тўхтовсиз қайнаб чиқади”.

– (54-оят) عَلَى فُرُشٍ بَطَائِنُهَا مِنْ إِسْتَبْرَقٍ – бу жаннат соҳиблари қалин ипакли тўшакда ўтирган ва ёнбошлаган ҳолида меваларга яқин ҳолатда бўладилар. Бу оят عَلَى زُفْرٍ خُضْرٍ مُتَكِينِينَ “(Жаннат аҳли) яшил ёстиқлар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар)” (76) оятига муқобил ҳисобланади. Бу ойдаги عِبْرَتِي سўзи нақшиндор маъносида. Араблар нақшиндор, безакли кийимни абкор деб номлайдилар. Ажаблаларли ҳар бир нарсига “абкорий” деб айтилади [13:20]. إِسْتَبْرَقٍ – ипак абкордан афзалроқ. زُفْرٍ – луғатда юмшоқ кийим, нозик ипақдан тўқилган юмшоқ тўшак,

катта болиш, гилам маъносида келади. Аввалги икки жаннат васфида тўшакларнинг ички қисми-қўринмай турадиган астари шундай таърифландики, бундан унинг усти, яъни авраси қанчалик бўлар экан деган тасаввур, иштиёқ пайдо қилади. Бунда гўёки зимний (яширин) муқобала билан васф қилингандек. Шунга кўра ушбу икки жаннат афзалроқ эканлиги билинади.

- Хурларнинг васфида: *فِيهِنَّ قَاصِرَاتُ الطَّرْفِ أَلَمْ يَطْمِئْنَنْهُنَّ إِنْسٌ قَبْلَهُمْ وَلَا جَانٌّ * كَانَتْهُنَّ الْيَاقُوتُ وَالْمَرْجَانُ* “У(жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тиювчи (хур қиз)лар борки, уларга илгари на инсон ва на жинлар теккан. “Улар(нинг баданлари тиниклик ва силлиқликда) гўёки ёқут ва маржондирлар” (56,58), бу оятлар *فِيهِنَّ جَسَدَانِ فِي الْخِيَامِ جَسَدَانِ فِيهِنَّ خَيْرَاتُ* “У (жаннат)ларда хушхулқ ва хусндор (хур қиз)лар бордир. (Улар) чодирларда асралувчи хурлардир” (70,72) оятлари билан муқобала бўляпти. Бу оятда ташбеҳ санъати ишлатилган. Хурларни ёқут ва маржонга ўхшатишнинг хушхулқ ва хусндордан афзаллиги бор. Ҳамма хурлар ҳам гўзал бўлади, аммо ҳаммаси ҳам софлик ва хуснда ёқут ва маржон каби бўлмайдилар. Кейин келган икки жаннатда хурлар чодирларда эканлиги айtilди. Бундан аввалги жаннатдагилар чодирда эмаслиги, қасрларда эканлиги, қасрлар чодирдан афзалроқ эканлиги маълум.

- Хар икки жаннат васфларидан кейин келган оят эътиборига кўра:

“Эҳсон (эзгулик) нинг муқофоти фақат эҳсон (эзгулик)дир”. Бу оятдан аввалги икки жаннат амалида эҳсон мақомига етишганлар учун эканлиги маълум бўлди. Бу пешқадам ва муқарраб – Аллоҳ таолога яқин бўлган кишилардир. Улар бошқа инсонлардан афзал турадилар.

Қуйироқда зикри келган икки жаннатдан кейинги *تَبَارَكَ اسْمُ رَبِّكَ ذِي الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ* “Улуғлик ва Икром соҳиби бўлмиш Раббингизнинг исми баракотлидир” оятига қарайдиган бўлсак, сура бошидаги дунё неъматлари, аввалги икки жаннат ва кейинги икки жаннат васфидан кейин келди. Бу ҳам аввалгиси кейингисидан афзалроқ эканлигини қўллаб-қувватлайди [11-20:3].

Қуръони карим сураларида жаҳаннамнинг кўрқинчли тасвирлари ва унинг муқобилида жаннатнинг ажойиб тасвирлари берилди.

Бундай сураларда тақводор инсонлар, намозни баркамол ўқийдиган, ризқ қилиб берилган нарсалардан садақа-эҳсон қилувчилар, Аллоҳнинг пайғамбарларига, туширилган барча китобларига имон келтирувчи, қиёмат кунига қатъий ишонувчилар охиратда нажот топишлари айtilса, унинг муқобилида юқоридагиларга риоя қилмаган, имонсиз ва такаббур, мунофиқ ва бузғунчи кимсалар аламли азоб ва олов билан огоҳлантирилади [9:15].

Шу мазмундаги оятларни Ар-Раҳмон сурасининг 41, 43, 44-оятларида ҳам ўз аксини топган:

يُعْرِفُ الْمُجْرِمُونَ بِسِيمَاهُمْ فَيُؤْخَذُ بِالنَّوَاصِي وَالْأَقْدَامِ “(Балки) жиноятчи (осий) кимсалар ўз белгиларидан танилиб, пешона сочи ва оёқларидан тутилурлар (ва жаҳаннамга ташланурлар)”. *هَذِهِ جَهَنَّمُ الَّتِي يُكَذِّبُ بِهَا الْمُجْرِمُونَ. “Жиноятчи (кофир)лар ёлғон дейдиган жаҳаннам мана шудир”. يَطُوفُونَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ حَمِيمٍ. “Улар ўша (жаҳаннам) билан ўта қайноқ сув ўртасида айланиб турурлар”.* Ушбу оятларда кофирлар қайноқ олов билан қайноқ сув ўртасида айланиб туришлари айtilса, биз юқорида ўрганган, жаннат васфи келган оятларда мўъминлар ўзларига берилган икки жаннатлари орасида айланиб юрадилар. Бу иккала жаннат сердарахт, шох-новдаларида мевалари кўп ва соя салқинлик, оқин чашма манбаидир.

Бир-бирига қарама-қарши икки нарсани бир жойда, бир хил савияда бериш Қуръони каримга хос хусусиятлардан биридир. Бир-бирига тамоман қарама-қарши икки ҳолат: жаҳаннам ўт-олов ва қайноқ сувдан, жаннат эса остидан сувлар оқиб турган боғлардан иборат. Жаҳаннамда оловнинг азобига қўшимча қилиб, ўта қайноқ сув қуйилса, жаннатда соя-салқин боғлар остидан муздек, зилол, ҳузурбахш сувлар оқиб туради. Жаҳаннамда азоб устига азоб келса, жаннатда ҳузур устига ҳузур. Қуръони каримдаги ана шу қарама-қарши ҳолатлар зикри бевосита ҳаёт ҳақиқатини акс эттиради.

ХУЛОСА

Ар-Раҳмон сурасида қўлланилган муқобала санъатини ўрганиш мобайнида қуйидаги хулосаларга келинди:

муқобала бадий илмининг услубларидан бири ҳисобланиб, маънони очиқ равшан қилишда муҳим аҳамиятга эга;

муқобала билан мUTOбақа орасида фарқ бор бўлиб, муқобалада бир-бирига зид бўлган ҳамда мувофиқ бўлган икки ёки ундан ортик сўзлар ишлатилса, мUTOбақа фақат бир сўз ва унинг зидди орасида бўлади;

муқобала Қуръондаги сўзларнинг маъносини баён қилиб беришда, муфассирлар сўзини қайси бири қувватлироқ эканлигини аниқлашда катта таъсирга эга.

Ар-Раҳмон сурасида муқобала услуби кўп қўлланилган бўлиб, жаннат аҳли ҳақидаги оятларда ҳам учрайди. Бунда жаннатларнинг икки тури орасида муқобала санъати ишлатилган. Муқарраб бандалар учун тайёрлаб қўйилган юқоридаги икки жаннат ва ўнг томон эгалари учун тайёрлаб қўйилган куйирокдаги икки жаннат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri / Tarjima va tafsir muallifi: Abdulaziz Mansur. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2018. – 624 b.
2. Abu Mansur Moturidiy. Ta'vilotu-l-Qur'on. – J. 27-28. – Toshkent: Hilol-Nashr, 2020.
3. Abul Qosim Mahmud bin Amr bin Ahmad Zamaxshariy. Tafsiru-l- Kashshof a'n haqiqi-t-tanzil va u'yuni-l-aqovil fi vujudhi-t-ta'vil. – Bayrut, Lubnan: 2009.
4. Alouddin Mansur. Qur'oni Azim. 2-juz'. – Toshkent: Sharq, 2020.
5. Ali Jorim Mustofo Amin. Al-Balog'atu-l-vaziha. Al-bayon. Al-ma'oniyy. Al-badi'. – Qohira: 1999.
6. Asiriddin Abu Hayyon Muhammad bin Yusuf. Al-bahru-l-muhit. 10-j. – Bayrut, Lubnan: Daru-l-fikr, 2010.
7. Ahmad Matlub. Mu'jamu-l-mustalahati-l-balog'iya va tatovvuruha. 3-j. – Bag'dod: 1987.
8. In'am Fuvval A'kkaviy. Mu'jamul Mufasssol fi u'lumi-l-balog'ati-l-badi' va-l-bayoni va-l-ma'oniyy. – Bayrut, Lubnan: Daru-l-kitabil-i'lmiyya. 1971.
9. Jalilov B. Diniy-ma'rifiy mavzularning badiiy adabiyotdagi talqini. –Toshkent: 2010.
10. Muhammad Abdurrahmon. Anvaru-t-tanzil va asroru-t-ta'vil bi tafsiri Bayzoviy. 5-j. – Bayrut: Daru-l-ihyai-t-tiros, 2015.
11. Qurbonov D. Mamajonov Z. Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Toshkent: "Akademnashr", 2010.
12. Rustamiy S. O'rta asrlar balog'at ilmida tilshunoslikka oid qarashlar. – Toshkent: Zilol buloq, 2019.
13. Zakariya Ali Mahmud Hazor. Uslubu-l-muqolaba. 2000.
14. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Tafsiri Hilol. 6-j. – Toshkent: Sharq, 2017.